

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

 Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzARB muammolari

Jild 3, Son s/8

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирорев Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаси ҳузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Диљдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Тайланова Шохида Зайниневна - педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович -сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич -сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Намазова Умида Нормуродовна</i>	
ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ).....	10-15
<i>Эрназаров Туйгун Раджабович</i>	
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	16-21
<i>Хужсаниязов Уктам Ешбаевич</i>	
“ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ	22-27
<i>Шаимкулов Азамат Холмуратович</i>	
ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ	28-38
<i>Муродов Ҳалим Салимович</i>	
ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР	39-46
<i>Юлдашев Сайданварбек Баҳромжон ўғли</i>	
ФАРФОНА ВОДИЙСИНИНГ- ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН	47-51
<i>Shonazarova Nargiza</i>	
TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	52-57
<i>Axmadova Nafisa Axmad qizi</i>	
O’ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI	58-64
<i>Qodirova Ra’no Mamirjonovna</i>	
O’ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING O’QITILISHI	65-70
<i>Yunusxo’jayev Habibulla Zafar g’o’li</i>	
SHARQDA KUCHLI IJTIMOIY HIMoya TIZIMI TARIXI	71-75
<i>Нарбеков Абдикамил</i>	
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ	76-80
<i>Alimova G’unchaxon Baxadirovna</i>	
JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA	81-85
<i>Jumanazarova Fotima</i>	
XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA’MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI	88-93

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich</i>	
PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW	94-100

<i>Hamrayev Amirzoda</i>	
ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKILOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI	101-109
<i>Xaytboeva Nigora Bakmatatovna</i>	
ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БҮЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ	110-119
<i>Xalilov Qahramon Qurbanboyevich</i>	
MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI.....	120-132
<i>Makhmudov Tursunpuлат Davronovich</i>	
ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ	133-144
<i>Ishchanova Salomat</i>	
KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI.....	145-150
<i>Mўйдинова Зилола Воҳид қизи</i>	
ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА "АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛОВЧИ ҲАРАКАТИ" МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	151-158
<i>Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon</i>	
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	159-164
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Saidova Kamola Uskanbaevna</i>	
ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ	165-173
<i>Omonturdiyev Orzu G'afforovich</i>	
INSONNING MA'NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI	174-179
<i>Ochilova Guzal Aralovna</i>	
ЮКСАК МА'ННВАИЯТ-МАНФААТЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....	180-185
<i>Nurmatova Umida Jalolidinovna</i>	
MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI.....	186-192
<i>Vafayeva Dilafruz Artikovna</i>	
AHMAD YASSAVIY TASAVVUFİY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK.....	193-198
<i>Karimov Zafarbek Ataboyevich</i>	
IJTIMOY-PSIXOLOGIK MEXANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI.....	199-202
<i>Bozorova Ro'zigul Sharofovna</i>	
MEHRSIZLIK HODISASINI KELTIRIB CHIQARUVCHI OMILLAR	203-212
<i>Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna</i>	
DINIY MANBALARDA IJTIMOY HAMKORLIK O'YALARI	213-218
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i>	
TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI	219-224

Dehqonov Behzod Baxtityorovich

YANGI O'ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING
BAG'RIKENGLIK G'OYALARINI O'RNI VA AHAMIYATI 225-230

Abdullayeva Firuza Sharipovna

NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI 231-236

Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich

SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING "AVORIF UL -MAORIF" ASARI VA UNDA ILGARI
SURILGAN G'OYALAR 237-243

Ибрагимов Солижон Эргашович

АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ТАҲДИДИ 244-251

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Qodirova Mukaddas Tog'ayena

BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI 252-257

Abdullayev Ikramjon Xashimjanovich

DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF
PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE 258-265

Hamroyeva Sharifa Shukur qizi

TARJIMADA MILLIY SO'ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING "NAVOIY" ROMANI INGLIZCHA
TARJIMASI MISOLIDA) 266-271

Olimova Gulfiza Muradullayevna

BADIY SAN'AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO'LLANILISHI 272-281

Айниддинов Иқрориддин Шарифович

АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ
ЎРГАНИЛИШИ 282-287

Turaeva Dilfuza Daminovna

O'ZBEK TILIDA OBRAZLI SO'ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI 288-295

Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna

LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA
SIFATIDA NAMOYON BO'LISHI 296-305

Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldashev Rustam Dilshod ugli

LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK
LANGUAGES 306-311

Isroilova Manzura Jamolovna

FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING
KOMMUNIKATIV TA'SIRI XUSUSIDA 312-317

Шамақсудова Саодат Хидоятовна

МАССМЕДИА АСПЕКТИНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА
ХОСЛИКЛАР 318-324

Шатова Ирина Юрьевна

ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И
УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ 325-330

Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna

FRAZEOLOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING
COGNITIV ASOSLARI 331-335

<i>Alimjanova Shohsanam Azamat qizi</i>	
КО'Р МА'NOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI	336-340
<i>Турниязова Шахноза Нигматовна</i>	
МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	341-347
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i>	
INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI	348-352
<i>Aminova Dilnoza Xikmatullayevna</i>	
THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY	353-358

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Исломқурова Шоҳсанам Баҳобжон қизи</i>	
ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУФУРТА ҚИЛИШ	
ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ	359-365

<i>Mamataliyev To'lqin Xushmamat o'g'li</i>	
О'zbekistonda MASOFAVIY TA'LIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI	366-378

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Saidov Jur'at Sodirovich</i>	
МАКТАБГАЧА TA'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA	
BERISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	379-384

<i>Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,</i>	
TEXNIK OLIY O'QUV YURLARIDA OO'ZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH	
USUL VA METODLARI	385-390

<i>Таджиходжаева Эльвира Рашидовна</i>	
ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ	
В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ	391-396

<i>Tўрахонова Барно Турсунбой кизи</i>	
БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА	
ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ	397-406

<i>Ashurova Sitora Erkinovna</i>	
USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION	407-412

<i>Каримжонова Мунаеввар Ибрагимовна</i>	
ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА	
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида).....	413-421

<i>Xamirayev Rustam Abdirazakovich</i>	
VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI	
TAKOMILLASHTIRISH	422-426

<i>Хашимова Масуда Камилжановна</i>	
КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ	
ИНТЕГРАЦИИ НАУК	427-435

<i>Бердиқурова Насиба Эркинжоновна</i>	
СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В	
НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ	436-442

Saidnazarova Gulshan Bolta qizi

AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO
SIFATIDA 443-448

07.00.00-Тарих фанлари

Юлдашев Сайданварбек Бахромжон ўғли,
ФарДУ жаҳон тарихи кафедраси доценти, PhD.
turkzod@mail.ru

ФАРГОНА ВОДИЙСИННИНГ- ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН

Аннотация. Мақолада тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган ҳолда Фарғона водийсининг Қорахонийлар томонидан эгалланиши тарихи ёритилган. Шунингдек, X асрнинг 90-йилларидағи Фарғонадаги сиёсий жараёнлари ёритилган. Жумладан, Фарғонада салжуқийлар ёрдамида сомонийлар ҳокимиятини қайта тикланиши ва Наср Элоқхон томонидан амалга оширилган иккинчи истило түғрисида ҳам батағсил таҳлиллар амалга оширилган.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона, Хорун Буғроҳон, сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, Исфижоб, Ўзганд, Аячтегин, Нуҳ ИИ, Собуктегин, ғазнавийлар, Сирдарё, Улуғтегин.

Yuldashev Saidanvarbek Bakhromjon ogli,
Associate Professor, Department of World History, FerSU

FROM THE HISTORY OF THE CONQUEST OF THE FERGHANA VALLEY BY THE KARAKHANIDS

Abstract. The article covers the history of the occupation of the Ferghana Valley by the Karakhanids based on historical sources and literature. The political processes in Fergana in the 90s of the 10th century are also covered. In particular, the restoration of Samanid power in Ferghana with the help of the Seljuks and the second invasion carried out by Nasr Eloq Khan have been analyzed in detail.

Keywords: Fergana, Harun Bugrokhon, Somanites, Karakhanids, Seljuks, Isfijab, Ozgand, Ayachtegin, Nuh II, Sobuqtegin, Ghaznavids, Sirdarya, Ulugtegin.

Юлдашев Сайданварбек Бахромжон угли,
Доцент кафедры всемирной истории ФерГУ.

ИЗ ИСТОРИИ ПОКОРЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ КАРАХАНИДАМИ

Аннотация. В статье на основе исторических источников и литературы освещена история оккупации Ферганской долины Караканидами. Также освещены политические процессы в Фергане в 90-е годы X века. В частности, подробно проанализированы восстановление власти Саманидов в Фергане с помощью сельджуков и второе вторжение, осуществленное Наср Элок-ханом.

Ключевые слова: Фергана, Харун Бугрохан, Соманиты, Караканиды, Сельджуки, Исфиджаб, Озганд, Аяхтегин, Нуҳ II, Собуктегин, Газневиды, Сырдарья, Улугтегин.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N06>

Кириш

Исмоил Сомоний вафотидан сўнг, Сомонийлар давлатида қаттиққўл ва кучли давлат бошлигининг бўлмаганлиги бора-бора вилоятларда маъмурий ва ҳарбий

ишлиарни ўзида жам этган сипоҳсолорларнинг марказий ҳокимиятдан мустақил сиёсат юритишига қулай шароит яратиб берди. Бу эса ўз навбатида давлат асосларига дарз кетиб, унинг кучсизланишига олиб келди. Сомоний ҳукмдорлардан Нуҳ ибн Асад, Наср ибн Аҳмад ва Исмоил Сомонийлар Фарғона водийсининг шимолий туманларига, Исфижоб ҳудудларига ҳарбий юришлар ташкил этиб, кўчманчи туркий қабилаларнинг бирлашиб Фарғона ва Мовароуннаҳрнинг обод дехқончилик туманларига қилишлари мумкин бўлган босқинларининг олдини олдилар.

Адабиётлар таҳлили ва методлар

Х асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Сомонийлар давлатида беқарорликнинг машъум белгилари кўрина бошлади. Ушбу беқарорлик Шарқий Туркистонда парчаланиб кетган қабила иттифоқларининг қайтадан кучайишига ва уларнинг ғарбга қараб силжиб боришларига қулай вазиятни яратиб берди. Х асрнинг охирги чорагига келганда Сомонийлар давлатида ва унинг атрофида бир неча сиёсий кучлар пайдо бўла бошлайди. Ушбу кучларнинг мустақил давлат ташкил этишига биргина қулай ташқи сиёсий вазият керак эди холос. Алп Тегин томонидан Ғазнада ташкил этилиши бошланган Ғазнавийлар давлати ва Сомонийлардан бошпана олган салжуқийлар юқоридаги сиёсий кучлар сирасига киради. Яна сомонийлардан шарқда янги куч – Қораҳонийлар давлати юзага келган бўлиб, нураб бораётган Сомонийлар давлати олдида ёш ва энди кучга тўлаётган эди.

Х аср охирида Қораҳонийларда олий хоқон Шарқий Туркистонда турувчи Арслонхон Али ибн Мусо бўлиб, со-хоқон эса унинг жияни Буғроҳон Хорун (Хасан) ибн Сулеймон эди [4: 496]. Хорун Буғроҳон сомонийларнинг сиёсий инқизозидан усталик билан фойдаланади. У 990 йилдан бошлаб Сомононийлар давлати ҳудудига юриш бошлайди. Милодий 990 йилда қораҳонийлар томонидан Исфижоб забт этилади. Деярли юз йил илгари Исмоил Сомоний томонидан Исфижоб Сомононийлар давлатига қўшиб олинган эди [11: 344].

Натижалар ва муҳокама

Хорун Буғроҳоннинг бу юриши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Мовароуннаҳр марказига қилмоқчи бўлган ҳужумида қораҳонийлар қўшинининг ўнг қанот хавфсизлигини таъминлаши керак эди. Мовароуннаҳр марказига қилинадиган асосий зарба Фарғона орқали режалаштирилган бўлиб, бунга асосий сабаб Фарғонанинг Қошғар ва Моварауннаҳр орасидаги қулай географик жойлашуви билан изоҳланарди. Исфижобни эгалламасдан туриб Фарғона орқали қилинадиган юриш қораҳонийлар қўшинини келиши эҳтимолий бўлган Хурросон ва Исфижоб волийлари қўшинининг орасига тушиб қолишига, бу Хорун Буғроҳоннинг ҳалокатига олиб келиши мумкин эди.

Сомонийлар давлатидаги инқизоз сабаб Нуҳ II ибн Мансурнинг мамлакат мудофасини ташкил этиш борасидаги уринишлари зое кетди. Аҳолини ғазовот шиори билан жалб қилиш ҳам фойда бермади [8: 144]. 991/992 йилларда Фарғона водийсига бостириб кирган Хорун Буғроҳон дастлаб сомононийларнинг Фарғонадаги сўнги ноиби Аячтегин (Энч, Айбекх) билан тўқнашади [11: 344]. Шу ўринда Аячтегин ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Унинг номи тарихий манбаларда турлича учрайди. Ибн ал-Асирда Энч тарзида тилга олинади [6: 85]. Утбийда эса Айбек тарзида қайд этилади [1: 121]. Буғроҳон Аячтегинни мағлубиятга учратиб асир олади [1: 121., 3: 371., 6: 85] ва унинг ўрнига ўз ноиби Арслон тегин ибн Улуфтегинни тайинлади [4: 497]. 992 йилда

Фарғонадан Самарқанд ва Бухоро устига юриш қилиш тасодифий бўлмай, Хуросон волийси Абу Али Симжурий билан махфий келишувга эришган Буғрохон Сомонийлар билан бўладиган жангда Абу Али Симжурийдан Фоиқ қўмондонлигига амалий ёрдам олади [3: 371]. Натижада Сомоний Нуҳ II ибн Мансур мағлуб бўлиб, Омулга чекинади [8: 144].

Ибн ал-Асир ўз асарида Буғрохоннинг сомонийлар ерларининг бир қисмини эгаллагандан сўнг, Нуҳ ибн Мансур Салжуқга ҳарбий ёрдам бериш тўғрисида хабар юборади. Салжуқ эса ушбу илтимосга биноан ўғли Арслон бошчилигидаги қўшин жўнатади. Нуҳ ибн Мансур Салжуқнинг ўғли Арслоннинг ёрдами билан Бухорога қайтиб келади, ҳамда Буғрохон томонидан эгалланган барча худудларни қайтадан бўйсундирди, дея таъкидлайди [6: 362., 7: 322., 9: 365]. Шунингдек, Ибн ал-Асир дастлаб Нуҳ ибн Мансур Хорун Буғрохондан мағлубиятга учрайди, кейин эса Нуҳ ибн Мансур шахсан ўзи башқа аскарий кучларга бошчилик қилиб, Хорун Буғрохонни мағлубиятга учратади [6: 92] ва Хорун Буғрохон Боласоғунга қайтишга мажбур бўлади, деб ҳикоя қиласи. Энди ўша даврдаги тарихий вазиятни ҳисобга олиб, Нуҳ II ибн Мансурга ким кўмак бера олишини таҳлил этиб қўрайлик.

Абу Али Симжурий Буғрохон билан яширин битимиға кўра, Нуҳ II ибн Мансурга ёрдам бермасдан, Фоиқ қўмондонлигига қораҳонийларга қўшин жўнатади. Нуҳ II ибн Мансурнинг мавжуд кучлари ва ҳалқ қўнгиллилари мағлуб бўлиб, тарқалиб кетади. Ғазна ҳукмдори Собуқтегга келадиган бўлсак, у қораҳонийлар билан ҳамкорлик қилаётган Абу Али билан қўшни бўлиб, ушбу вазиятда ўз мулкларини хавф остига қўйиб Бухорога ёрдамга бориши ёки ўз кучларидан Нуҳ II ибн Мансурга юбориши имконсиз эди. Бизнингча, Нуҳ II ибн Мансурга ўша вақтда Зарафшон воҳасида яшаётган, сомонийлардан ажralиб чиқиш учун қулай вазиятни кутиб турган ўғузлардан Истроил ибн Салжуқ бошчилигига ҳарбий ёрдам олганлигини таҳмин қилишимиз мумкин. Ушбу кучлар сомонийларга қораҳонийлардан ҳокимиятни қайтариб олишига ёрдам берди [5: 318-319]. В.Бартольд ўз асарида Буғрохоннинг юришидан кейин Нуҳ фақат Зарафшон воҳасида ҳокимиятини қайта тиклади [5: 318-319], дея қайд этади. Аммо нумизматик манбаларнинг гувоҳлик беришича Нуҳнинг Фарғона ва Хўжанддаги сўнгги зарб эттирган фалслари 993-995 йилларга таъалуқли. Наср ибн Алиниң Фарғона ва Хўжанаддаги дастлабки фалслари 994-995 йилларга мансуб. Демак Нуҳ II ибн Мансур Салжуқнинг ўғли Истроил ёрдамида сомонийлар ҳокимиятини фақатгина Зарафшон воҳасида эмас, балки Исфижоб, Хўжанд, Фарғона, Шош худудларида ҳам қайта тиклади [7: 322., 8: 152].

Тарихий манбаларда Фарғонанинг сомонийлар тарафидан салжуқийлар ёрдамида эгалланганлиги тўғрисида маълумотлар ва Исмоил ибн Салжуқ номи қайд этилмаса-да [2: 100-131., 3: 732., 5: 318-319], лекин ўша даврдаги тарихий вазиятни яъни Нуҳ мағлубиятга учраган, Хуросон волийси Абу Али Симжурий эса қораҳонийлар билан махфий келишув амалга оширилганини ҳисобга оладиган бўлсак, сомонийлар ихтиёрида қўшимча ҳарбий кучлар мавжуд эмас эди.

Ғазна ҳукмдори Собуқтегинга келадиган бўлсак, унинг учун қораҳонийлардек кучли рақиб билан бевосита чегарадош бўлишдан кўра, улар ўртасида сомонийларнинг кучсиз давлати сақланиб қолиши қулай эди. Тарихий воқеаларнинг кейинги ривожини кузатадиган бўлсак, Ғазна ҳукмдори Собуқтегин қораҳоний Наср ибн Али билан битим

тузиб, Мовароуннаҳрни уч қисмга тақсимлашади. Мовароуннаҳрнинг мазказигина минтақанинг собиқ ҳукмдори сомонийларга қолдирилиб, жануби ва шимоли ғазнавий ва қорахонийлар ўртасида бўлиб олинади. Аммо Собуқтегин вафотидан фойдаланган Наср ибн Али бутун Мовароуннаҳрни қаршиликсиз босиб олади. Собуқтегин вафотидан кейин Маҳмуд Ғазнавий ва Наср ибн Али ўртасида қариндошлик муносабатлари ҳам ўрнатилган бўлиб, Маҳмуд Насрнинг қизига уйланади [3: 371]. Бундай вазиятларда ўғузлар доимо сомонийларга ҳарбий қўмак бериб келишган. Жумладан, ўғузлар сўнгги сомоний ҳукмдор Мунтасирнинг Наср ибн Алига қилган бир неча юришларида ёрдам берадилар. Натижада қорахонийлар Мунтасирдан бир неча бор мағлубиятга учрайди. Утбийнинг асарида келтирилишича ўғузлар сомонийларнинг ўтган даврлардаги ҳимматини унитишмаган ва Мунтасирга ёрдам беришга қарор қилишган [1: 335-336].

Наср Элоқхоннинг ҳокимияти Сирдарё ҳавзаси, Соғониён, Мовороуннаҳрнинг марказий вилоятлари, Устришона ва Фарғонада ўрнатилди. У ўз давлати чегараларини сомонийлар сулоласига тегишли худудлар ҳисобига кенгайтириш сиёсатини олиб борди. Наср Элоқхон амалда хоқон ноиби бўлсада, ички ва ташки сиёсатда мустақилликка интилган. Бу ҳолат унинг 999 йилдан кейинг фаолиятида яққол кўзга ташланади. Наср Элоқхон «олий хоқон «акаси Аҳмад Али Арслонхонни расман сулола бошлиғи деб тан олган бўлишига қарамасдан, Утбийнинг «Тарихи Яминий асари ва Ибн ал-Асир нинг ҳикояларида Наср Элоқхоннинг акаси Аҳмадга қарши ҳарбий юришлари ҳақида айтилади. Кўллётмаларга кўра юриш 400-401 йилларга тўғри келади. Исфижоб, Шош, Элоқ ва Тункат шаҳарларида Наср Элоқхон томонидан зарб этилган тангалар буни тасдиқлайди. Нумизматик ашёларнинг шоҳидлик беришича, Наср Элоқхон вассаллик муносабатини узиб, Аҳмад Али Арслонхонни «ўзининг ҳукмдори» деб атамайди. Утбий ва Ибн ал-асир маълумотларида ҳужум йўналиши нотўғри кўрсатилган. Юришнинг мақсади Қошғар эмас, айнан Боласоғун бўлган бўлса керак. Чунки, Элоқ, Шош, Исфижоб орқали айланма йўл билан Қошғарга боориш мутлақо мантиққа тўғри келмайди. Наср Элоқхон мақсадига эриша олмаган. 402 йилда ака-ука ўртасида тузилган тинчлик шартномаси шартларига кўра, Наср Элоқхон томонидан босиб олинган худудларнинг бир қисми хусусан Исфижоб бутунлай Аҳмад Али Арслонхонга қайтарилган. Мовороуннаҳрнинг марказий вилоятлари хусусан Элоқда Наср Элоқхон ҳуқуқларининг бир қисми сақланиб қолган [4: 125].

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Буғрохон бошчилигидаги қорахонийларнинг дастлабки юришларига қарши курашишда салжуқийлар сомонийларга амалий ёрдам беришган. Натижада 992-йилда Исфижоб, Хўжанд, Шош ва Зарафшон худудлари қатори Фарғона водийсида ҳам Нуҳ II ибн Мансур ҳокимияти қайта тикланади. Буғрохоннинг вафотидан кейин қорахонийларнинг Наср ибн Али бошчилигидаги Фарғона ва Мовороуннаҳрга бостириб кирган кўшинларига қарши жангларда ҳам ўғузлар сўнгги сомонийларни қўллаб туришган.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Abu Nasr Utbiy. Kitobi Yamini. Translated from the Persian version of the contemporarilyarabic chronicle of Al Utbi, by the rev. James Reynolds, b.a. – London: Printed for the oriental translation fund of Great Britain and Ireland. 1891. – 520p.
2. Абу-л-Фадл ибн Мухаммад Джамал ад-Дин Карши. Мулкахат ас-сурах (пер с персидского Р.Ш. Шарафутдиновой) // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. – Ташкент: Фан, 1988. С.100-131.
3. ابو سعید عبدالحی بن ضحاک بن محمود گردیزی. تاریخ گردیزی. به تصحیح و مقابله: عبدالحی حبیبی. تهران: دنیای کتاب، 1343 ص 733.
4. Анарбаев А.Ахсикат – столица древний Ферганы. – Ташкент: Тафаккур, 2013. – 572с.
5. Бартольд В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. 1 – Москва: Наука, 1963. – 763с.
6. Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. – 9 Cilt. – Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. – 501s.
7. Ибн ал-Асир. Ibn el-Athiri Chronicon quod perfectissimum inscribitur, ed.C.J.Tornberg vol IX, Upsaliae et Lugduni Batavorum, 1863. – 467p
8. Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Караканидского каганата: 991-1209 гг. – София. 2006. – 255с.
9. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т.1. – М.-Л., 1939. – 617с.
10. Неъматов Х. Давлати Сомониён: тоҷикон дар асрҳои IX-X. – Душанбе. Ирфон, 1989. – 352с.
11. تۈرگۈن ئالماس. ئىيغۇرلار. مېئۇنخىن: دۇنيا ئىيغۇرلار قۇرۇلتىبى، 2010. ب 344.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº S/8 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-

уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).